**«ЦЕМЕНТ ОПЕРАЦИЯСИ»**

– ...айбларни яшираман-у, ўзим қийналиб қоламан-да! Ҳа, майли, ...қурилиш бошлаб қўйувдим, икки ярим тонна цемент кетаркан. Шуни эпласангиз, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади.

2 бет

**МУСИБАТ**

Ҳовлига етиб келдик. Бир зумда хонадон қий-чув бўлиб кетди. Бир ҳафтадан кейин тўй бўлиши керак бўлган хонадондан бир вақтда жигарларини ҳижрон ва айрилиқ ўтида ёқиб, лопиллаганича иккита тобут чиқди.

9 бет

**ПАРЧАЛАНГАН БАХТ**

«Ўлгунимизча бирга бўламиз». ...йигит бир кун келиб ҳақиқатан ҳам севгилисининг охирги нафаси чиққунча ёнида бўлишини, унинг нафасини ўзи ўчиришини билганида эҳтимол бу гапларни...

10 бет

**ГРИПП ШУНЧАКИ ШАМОЛЛАШ ЭМАС**

Бугунги кун медицинаси айнан грипп вирусига қарши махсус дориларни тавсия этмоқда. Бироқ, замонавий медицина тавсия қилаётган бу воситаларнинг самарадорлиги маълум маънода чекланган.

12 бет



Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 18-yanvar, № 03 (524)


Республика Бош прокуратурасида





# Ишончни оқлаймиз

Ўтган шанба куни Ўзбекистон Бош прокуратурасида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги намунали хизматлари учун бир гуруҳ прокуратура ходимлари юксак мукофотлар билан тақдирландилар. Тадбирни Бош прокурор Рашитжон Қодиров табрик нутқи билан очиб берди. У ҳамма ҳамкасбларини қутлар экан, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, адолатни қарор топтиришдай масъулиятли вазифани адо этишда барча прокуратура ходимларига муваффақиятлар тилаб, бундан кейин ҳуқуқ-тартибот органлари сафида мукофотланганлар сафи янада кенгайишига ишонч билдирди.

Шундан кейин Бош прокуратура раҳбарияти мукофотланганларни табриклаб, уларга орден ва медаллар топширишди.

Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига асосан Навоий вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Лутфулла Карабеков «Меҳнат шуҳрати» ордени билан, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасининг бўлим бошлиғи Эшбой Ҳаитов «Жасорат» медали билан, Самарқанд вилоят прокуратураси Нарпай туман прокурори Бўлтак Усмонов, СВОЖЖДЛҚК департаменти Фарғона вилоят бошқармасининг суриштирув бўлими бошлиғи Дилшод Ҳакимов ҳамда Жиззах вилоят прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи Гулнора Ҳамроевалар «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар.

Мукофотлар топширилгандан сўнг тақдирланганлар сўзга чиқиб, дил сўзларини билдиришди.

**Гулнора ҲАМРОЕВА:**

— Бу фақат менга эмас, балки бутун Жиззах вилоят прокуратурасига берилган мукофот деб ўйлайман. Камтарин хизматларимиз шунчалик қадрланган экан, бундан кейин ҳам вазифамизни сидқидилдан адо этамиз. Бизга билдирилган ишончни албатта оқлаймиз.

Байрам арафасида аждодларимизнинг эзгу амалларини давом этказаётган, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳ прокуратура ходимларининг давлат мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг эътироф этилаётганидан далолатдир. Бу кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиш билан бирга, зиммамизга янада улкан масъулият юклайди. Ишончни оқлаш, масъулияни дилдан ҳис қилиш эса ҳар бир прокуратура ходимининг бурчидир.

**Алишер ОЧИЛОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма катта прокурори**

*Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар*

Хабар

# МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Фарғона вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман прокурорлари, ИИБ бошлиқларининг ўринбосарлари, тегишли идоралар вакиллари иштирок этишди..

Йиғилишни вилоят прокурори А.Холмаҳматов бошқариб борди.

Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи И.Исмоилов ўтган йили рўй берган жиноятлар ҳақида маъруза қилди. Айтиш жоизки, ўтган йили ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, умумий жиноятчилик 2005 йилдагига нисбатан 9,02 фоизга ўсган. Фарғона, Қўқон, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Охунбобоев, Бешариқ, Қува, Риштон, Данғара, Бувайда, Фурқат, Ёзёвон туманларида жиноятлар тури, сони ўсишига йўл қўйилган.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан Фарғона ва Қўқон шаҳар прокурорлари А.Сангинов, Б.Охуновнинг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда жиноятчиликнинг олдини олишда тегишли идоралар мустаҳкам ҳамкорликда жамоатчилик кучига таянган ҳолда иш олиб борсаларгина кўзланган мақсадга эришиши мумкинлигини таъкидланди.

**Х.ЖЎРАБОЕВ**

Қарор ва ижро

# Ижро таъминланмоқда

**Мустақиллик йиллари мамлакатимизда халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик ва кечиримлилик қадриятлари билан йўғрилган кўплаб амнистия актлари қабул қилинди. Билиб-билмай жиноятга қўл уриб, кейинчалик қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш анъанага айланиб, биринчи навбатда аёллар, вояга етмаган ёшлар, кексалар, ногирон ва жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир хасталикка чалинган, қолаверса, эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган шахсларни жазодан ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш кўзда тутилган.**

Ўтган йилларда Ўзбекистон мустақиллиги, мамлакат конституцияси қабул қилиниши ва бошқа саналар муносабати билан 16 марта эълон қилинган амнистия тўғрисидаги фармон ва қарорларга мувофиқ фақаттина озодликдан маҳрум қилинганлар жазо ўтайдиган жойлардан юз мингдан ортиқ маҳкум озод қилинди. Бир неча юз минг маҳкумнинг ўталмай қолган жазо муддатлари қисқартирилди.

Ушбу анъананинг давоми сифатида Олий Мажлис Сенати 2006 йил 30 ноябрда Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан навбатдаги амнистия актини қабул қилди.

Қарорга мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган бир неча минг маҳкум, жумладан, турли сабабларга кўра, аввало, ўзининг савиясизлиги, билими ва тажрибаси етишмаслиги оқибатида диний экстремистик гуруҳларнинг домига тушиб, таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки учун судланиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод этилиши керак. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахслар, ишлари суриштирув, тергов ва суд органлари юритувида бўлганларга ҳам мазкур қарор татбиқ этилиши назарда тутилган.

Ҳозир амнистияни қўллашга масъул идоралар томонидан унинг таъсир доирасига тушувчи ҳар бир маҳкумга объектив қўллаш борасида ва қонунбузарликнинг олдини олиш мақсадида назоратни кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

Прокуратура органларида қарорнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, бажаришга киришилди. Бу жараёнда Сенатнинг 2005 йил 2 декабрда қабул қилинган амнистия актини ижро қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар такрорланмаслигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилги амнистия қарорини ижро этиш борасида жазони ижро этиш, тергов, прокуратура ва суд органлари йўл қўйган камчиликлар бартараф этилди. Амнистия актининг ижроси натижалари 2006 йил апрел ойида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашда, шунингдек, Бош прокуратуранинг ҳайъат мажлисида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маҳкумларга нисбатан ушбу қарорни ўз вақтида қўлламаслик ёки асоссиз татбиқ этиш оқибатида айрим маҳкумларнинг ноқонуний жазо ўташларига, бошқаларининг эса жазодан барвақт озод бўлишига йўл қўйилган.

Қарорнинг ижроси учун белгиланган уч ойлик муддатда колония бошлиқларининг маҳкумларни амнистия актига кўра озод қилиш ҳақидаги 13 та, ўталмай қолган жазо муддатини қисқартириш тўғрисидаги 11 та ва қўллашни рад этиш ҳақидаги 33 та қарори асоссизлиги сабабли бекор қилинди.

Суриштирув ва тергов идораларининг 170 дан ортиқ шахсга нисбатан чиқарилган қарорлари асоссиз деб топилиб, қонунга мувофиқлаштирилди. Судлар ҳам 30 дан ортиқ ҳолатда уни нотўғри қўллаганлиги ёки қўлламай қолдирганлиги аниқланиб, тегишли чора кўрилди.

Аниқланган қонунбузарликларни бартараф қилиш, келгусида уларга йўл қўймаслик чораларини кўриш тўғрисида тегишли органларга тақдимномалар киритилди.

**Мирзафар МИРСОЛИХОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма бошлиғи**

**Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Кимлардир билиб-билмай, кимлардир эҳтиётсизлик туфайли қонунбузарликка йўл қўяди. Қонунларимизда ҳар бир ножўя ҳаракат учун жазо белгиланган. Бироқ, жазодан мақсад жиноятчидан ўч олиш эмас, уни тўғри йўлга бошқариш, эс-ҳушини йиғиштириб олиши учун имконият яратишдир.**

# ХАТО ВА САБОҚ

2006 йилнинг 30 ноябрида Ўзбекистон конституциясининг ўн тўрт йиллиги мунсабати билан сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу мамлакатимизда юритилаётган инсонпарварлик сиёсатининг мантиқий давомидир. Мазкур жараёнда кейинги йилларда қонунчиликда мавжуд бўлган ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалар босқичма-босқич бекор қилинди. Ҳозир фақат икки турдаги — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган. Шуни ҳам айтиш керакки, вояга етмаганларга, аёл-қизларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш таъқиқланган.

Ҳар қандай жиноят жамиятга, инсонларга нисбатан тажовуз ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар қандай жиноятчи ҳам инсондир. Шунинг учун жиноятга оид сиёсатдаги туб ўзгаришлар мамлакатимиздаги криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бу галги амнистия тўғрисидаги қарор ҳам кенг қамровли бўлиб, ўзбекона бағрикенглик, кечиримлилик намунаси бўлди. Унда ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар, аёллар, вояга етмаганлар, кексалар ва чет эл фуқаролари биринчи навбатда жазодан озод қилиниши белгиланган. Шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлар, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб ҳукм қилинганлар ҳам жазодан озод бўладиган бўлди. Ногиронлар, касалликка чалинганлар ҳам бу бағрикенгликдан баҳраманд бўлишади. Таъқиқланган ташкилотлар сафида тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, тузалиш йўлига ўтган кишилар ҳам кечирилади.

Мазкур қарорни батафсил шарҳлаш учун бир-иккита мақола кифоя қилмайди. Уни халқимиз катта қувонч билан кутиб олди, қанчадан-қанча хонадонлар шодликка тўлди. Бу тарихий воқеа ҳақида матбуотда, одамлар орасида илиқ гаплар ҳали кўп айтилади.

**Баҳодир УМАРОВ,**
**Пастдарғом туман прокурори**

# Шаҳар бедарвоза эмас

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилинган. Уларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоят прокуратураси, ИИБ, МХХ, божхона, солиқ бошқармалари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармаси ҳамда суд қарорларини ижро этиш ва судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаментининг вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда дастурлар ишлаб чиқилиб, бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, Китоб, Нишон, Ғузор, Деҳқонобод ва Миришкор туманлари Туркманистон ва Тожикистон билан чегарадошлиги сабаби вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда тузилган режага кўра «Ширинбулоқ», «Ўмакай», «Мингчинор» ва «Чак-чак» постларида тезкор гуруҳлар ташкил этилган. Жорий йилнинг 2 январига қадар четдан ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширишларда 2097 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 224 та жиноят иши, 1394 нафар шахсга нисбатан эса маъмурий жавобгарликка доир ишлар қўзғатилиб, 932 млн. 400 минг сўмлик товарлар олиб қўйилди. 773 млн. 800 минг сўмлик товарлар бўйича тўпланган материаллар судларга юборилган. Суд ва бошқа органларнинг қарорларига асосан 589 млн. 900 минг сўмлик товарлар давлат ихтиёрига олинди. 23 млн. 300 минг сўмлиги эса эгаларига қайтарилди.

Мазкур қарор ва фармойишларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Солиқ қўмитаси назорат-тафтиш бошқармаси ва СВОЖЖДЛҚК департаментининг мансабдорларига назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши билан келишган ҳолда импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат учун мўлжалланган товарларнинг республика ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи ҳужжатлар борлигини билиш мақсадида режадан ташқари текшириш ўтказиш ҳуқуқи берилган. Тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда товарлар давлат фойдасига мусодара қилинади. Қарши шаҳрида тадбиркор И.Шойқулов ва Ф.Ҳафизовларнинг фаолияти текширилганда улар ҳеч қандай ҳужжатсиз 8.905.000 сўмлик радиотехник товарларни сотаётганлиги аниқланди ва суд ҳукми билан товарлар давлат фойдасига мусодара қилиниб, уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима солинди.

2006 йилнинг 11 сентябрида Б.Санақулов ҳеч қандай ҳужжатларсиз 2 млн. 82 минг сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган енгил машина эҳтиёт қисмларини сотаётганлиги, 15 млн. 887 минг 992 сўмлик тушумни назорат-касса машинасидан ўтказмасдан банкка топшириб юборганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланган.

Жиноятга жазо муқаррар. Ҳуқуқбузарлар бир кунмас-бир кун қонун олдида жавоб берадилар.

**Абдували ОВЛАҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
**журналист**

# Вазифалар белгилаб олинди

13 январ куни Андижон вилояти прокурори Баҳодир Деҳқонов раислигида жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича вилоят судларининг раислари, МХХ, ИИБ ва божхона бошқармаларининг бошлиқлари, шаҳар, туман прокурорлари, жиноят ишлари бўйича суд раислари, ИИБ бошлиқлари иштирокида вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 2006 йилги иш якунлари ва вазифаларига бағишланган мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда асосий эътибор мамлакат президентининг 2006 йил 13 октябр куни халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқувчи вазифаларнинг бажарилишига қаратилиб, вилоятда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат билан бандлиги, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга оид қонунлар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Жорий йилда аҳолининг турмуш даражасини ўстириш, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш аввало ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, айниқса, диний экстремизмга қарши курашишда қонунийликни мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқлиги таъкидланиб, бу борада бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб олинди. Кенгашда вилоят ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ**
**«Huquq» мухбири**

***Халқимизда «Меҳнатнинг таги роҳат» деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Инсон фаровон турмуш кечириш учун меҳнат қилади. Қайси соҳада бўлмасин, ҳалол меҳнат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бироқ, ишчи тер тўкиб меҳнат қилса-ю, маошини ўз вақтида ололмаса-чи? Шунда нима бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг.***

# Ишчи маошини ололмаса...

Вобкент туманидаги бир қатор корхоналарда меҳнат қилаётган ишчилар шундай ҳолатга тушган экан. Бу туман прокуратураси томонидан меҳнат муносабатларига оид қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланди.

Жумладан, «Пушмонтепа» фермер хўжалигидаги ишчиларга иш ҳақи белгиланган минимал меъёрдан кам миқдорда тўлаб келинган. Аниқроқ айтганда, ҳар бир гектар чеканка қилинган ер учун 7800 сўм ўрнига 4600 сўмдан тўланиб келинган. Фермер хўжалигининг 14 та ходимидан 5 нафари билан меҳнат шартномаси тузилмаган.

Бундан ташқари, айрим ҳудудларда нақд пул ўрнига натура шаклида ҳақ тўлаш ҳолатлари ҳам учрайди. «Зиё Шароф», «Тўхтаев Отабек» фермер хўжаликларида шундай ҳолат кузатилган. Ишчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида бериш чораларини кўрмаганлиги ҳамда меҳнат қонунчилиги талабларини бузганлиги учун «Отабек Тўхтаев», «Аббос Қосим», «Пушмонтепа» фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Бундай ҳолатлар ширкат хўжаликларида ҳам мавжуд. Масалан, М.Жўрабоев номли ширкат маъмурияти ходимларнинг иш ҳақидан қарздорликни бартараф қилиш чораларини кўрмаганлиги оқибатида 2006 йил 14 август кунигача ходимлардан 10 миллион 800 сўм қарз бўлиб қолган.

Шунга ўхшаш сабаб билан бир қатор ширкатларнинг раислари ва бош ҳисобчиларига нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Ширкатлар аъзоларининг 33 миллион 800 минг сўмлик иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судига 5 та даъво аризаси киритилди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш тўғрисида туман меҳнат бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилди ва шу асосда 3 киши интизомий жавобгарликка тортилди. 22 та шахсга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Фуқаролар нима учун иш ҳақини вақтида ололмаслиги керак? Қонунларимиз бундай адолатсизликка ҳамиша қарши. Зеро, халқимизнинг рўзғори, дастурхони тўкин, уст-боши бут экан, кўнгли хотиржам бўлади. Буни ҳеч ким ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги шарт.

**Муҳаммад БЕКМУРОДОВ,**
**Вобкент туман прокурори**
**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

Бош ҳисобчини таниб, аввалига феъли айниди. «Субути йўқ, яхшиликни билмайдиган нусха яна ёғли жойга ўрнашибди-да!». Кейин бироз ҳовуридан тушиб, «мана энди соғиб ичаман сени» деб ўнг кафтини ишқалади.

Кўп марта синаган: ўнг кафти баракали, кутилмаган тарафдан пул келади. Бош ҳисобчи аввалига бироз довдиради, сўнгра ўзини қўлга олиб қуюқ сўрашди.

— Тоғ тоғ билан учрашмайди-ю, одам одам билан тўқнаш келаверади деганлари шу экан-да, — деди Наби сир бой бермай. — Янги ишлар қуллуқ бўлсин. Аввалги ишингиз ҳам чакки эмас эди-ю, ҳа майли, одамнинг ризқи ҳар ерга сочилган...

раман-у, кейин ўзим қийналиб қоламан-да! Ҳа, майли. Ҳовлида қурилиш бошлаб қўйувдим. Пойдеворига икки ярим тонна цемент кетаркан. Шуни эплаб берсангиз, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади.

«Муслима»даги тафтиш ниҳоясига етди. Бироқ, Шаҳрихон туман солиқ инспекциясининг юридик шахсларни солиққа тортиш шўъбаси бошлиғи Наби Обидовнинг ҳовлисидаги янги уй пойдевори чала қолди. Фирманинг иш юритувчиси Нодир Аҳмедов субутсизлик қилди. Ҳовлисига 2 ярим тонна ўрнига бор йўғи 350 кг. цемент туширгизиб берди, холос. Мана энди, яна қармоғига илиниб турибди.

— Ўшанда қуюқ ваъдалар бериб...

билан «Водий шарқ нури» МЧЖнинг дўконида ўтказган тадбир чоғида талаб қилган 500 ўрнига 400 долларни пора тариқасида олган Наби Обидов жиноят устида ушланди. Унинг Шаҳрихон туманидаги Бўстон кўчаси 57-уйида тинтув ўтказилиб, «Нур» деб ёзиб қўйилган 40 та қопдаги 2 тонна, аввалгисидан ишлатилмай қолган 5 та полиэтилен қопдаги 250 кило цемент ашёвий далил сифатида олинди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар натижасида тадбиркорликка кенг йўл очилган бир пайтда юқоридаги каби мансабдорларнинг таъмагирлиги иқтисодиёт ривожига тўғаноқ бўлмоқда. Порахўрлик энг оғир жиноятлардан бўлиб, жамиятдаги

# «Цемент операцияси»дан сўнг...

Наби бир ярим йилча аввал, 2005 йил март ойида «Муслима» фирмасида ҳужжатли тафтиш ўтказганда Нодир билан танишган эди. Фирманинг иш юритувчиси истаган тарафга эгса, букилаверадигандек бўлиб туюлди.

Гарчи фирмада солиқ қонунчилигига риоя қилинган, жиддий камчиликлар кўзга ташланмаётган бўлсада, иш бошқарувчининг юрагига ғулғула солди.

— Солиқдан яшириб келган катта суммаларингизни нима қиламиз? Жаримаси билан икки баравар тўлашга тўғри келади! Ишингиз судга ошса... Жарима билан қутулиб қолмайсиз. Жиноятнинг ҳиди келаяпти!

— Беайб парвардигор, ака! — Нодир уни юмшатиш тараддудида эди. — Яширганимиз йўғ-у, счётимизга вақтида пул тушмай, солиқлар сал ортга сурилгани рост. Хатоларимизни тузатишга имкон берсангиз...

— Таваккал қилиб айбларни яши-

— Узр, ака, қўл калталик қилиб, эплолмадим.

— Энди эпларсиз?

— Бўпти...

«Муслима» фирмаси иш юритувчисилигидан «Водий шарқ нури» МЧЖнинг бош ҳисобчиси лавозимига ўтган Нодир Аҳмедов «айбини ювиб» солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Наби Обидовнинг уйига 2 тонна цементни етказиб берди. Бироқ МЧЖда ҳужжатли тафтиш ўтказаётган мансабдорнинг оғзини ёпдим деб янглишди. Наби уни яна сиқувга олди.

— Бу ердаям ишингиз чатоқ! Ака-укачилигимиз ҳурмати бир ёқлик қиламан. Аммо озгина харажати бор...

Солиқчининг оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетган пулни эшитиб, Нодирнинг жони ҳалқумига келди. 2006 йил 14 август куни Андижон вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими терговчилари вилоят МХХ бошқармаси тезкор ходимлари

иқтисодий, маънавий муҳитга жиддий зиён келтиради. Бошқарув идоралари фаолиятига нисбатан салбий муносабатларни уйғотади. Вилоят ҳуқуқ тартибот органлари билан ҳамкорликда коррупциянинг илдизини қуритиш борасида фаол иш олиб борилаяпти. Хусусан, бевосита хизмат вазифаси — якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш эвазига фуқаро Э.Мамажоновдан 100 минг сўм пора талаб қилган Шаҳрихон туманидаги «Янгийўл» қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Ботирали Мирзақосимов жиноят устида қўлга олинди. Юқоридаги жиноят ишлари судда кўрилиб, айбдорлар жазосини олди. Жазонинг муқаррарлиги билан бирга фуқароларнинг таъмагирликка нисбатан муросасизлиги жиноятларнинг пайини қирқиш гаровидир.

**С.БЕРДИАЛИЕВ,**
**Андижон вилоят прокуратураси катта терговчиси**

***Бу воқеани менга такси ҳайдовчиси айтиб берди. Вилоятларнинг бирида хизмат сафарида бўлиб, ишларимни тугаллаб, уйга қайтаётган эдим. Узоқ йўл бўлганлиги боис машинада келаётганлар ўзаро бир-бирлари билан суҳбатлашиб келишар, ҳайдовчи бўлса радиодан таралаётган куйга мос оҳангда бошини қимирлатиб, абжирлик билан рул бошқарарди. Йўловчиларнинг суҳбатлари бозордаги нарх-наво, об-ҳаво тўғрисида. Мен чарчаганим туфайли кўзларимни юмганча мусиқа тинглаб келаяпман. Бир пайт куй тўхтади-да суҳандон республика ҳаётига оид янгиликларни ўқий бошлади. Шунда ҳайдовчи йигит менга қараб:***

***— Радиони бошқа каналга ўтказайми, ака? — деб қолди.***

***— Мумкин бўлса, янгиликларни бироз эшитайлик.***

***— Майли, хоҳишингиз. Менга барибир, куй-қўшиқ бўлса ҳам, янгиликлар бўлса ҳам тинглайвераман.***

***У шундай деб радионинг овозини бироз кўтарди. Шу лаҳзада суҳандон Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб транспорт воситасини бошқараётганда телефондан фойдаланиш тақиқланганлигини айтиб қолди.***

***— Э-э, жуда зўр қарор чиқибди-да, ака, — гап бошлади ҳайдовчи бир менга, бир кўзгу орқали орқа ўриндиқда ўтирганларга қараб, — аммо тўғри иш бўлибди. Аллақачон шундай қилиниши керак эди. Нима дедингиз?***

***— Ҳа, тўғри айтасиз,— дедим унга жавобан, — ҳаракат чоғида телефонда гаплашиш анча хавфли.***

***— Нимани айтаяпсизлар, акалар? — сўради орқа ўриндиқдагилардан бири, — эшитмай қолдик-да!***

***— Янги қарор чиқибди, — тушунтирган бўлди ҳайдовчи. — Машина бошқараётганда телефонда гаплашиш тақиқланибди. Мен анчадан бери шу ҳақда ўйлаб юрардим. Нега десангиз, телефон билан боғлиқ бир фожеанинг гувоҳи бўлганман. Агар эшитаман десанглар, айтиб бераман. Биз ҳам нима воқеа эканлигига қизиқиб, ҳайдовчига қарадик.***

# Мусибат

— Бахтсизлик ва фалокат амаким Абдураҳмон аканинг хонадонида бир вақтда содир бўлди, — ҳикоясини бошлади ҳайдовчи. — Маҳаллада бу хонадонга ҳамма ҳавас билан қарарди. Абдураҳмон ака узоқ йиллар темирйўл соҳасида ишлаган бўлиб, иззат-икром билан пенсияга чиққан. Бўш вақти кўп бўлгани боис, набиралар билан чалғиб, ошна-оғайни билан гап-гаштак еб юрарди. У киши шунақанги одамохун, киришимли эдики, бир суҳбатлашган одам яна бир гаплашсам дерди. Аёли ҳам худди узукка кўз қўйгандек ўзига мос. Уч ўғил, икки қизлари бўлиб, қизлар уйли-жойли бўлиб кетишган. Икки катта ўғил ҳам оилали. Фақатгина кенжаси — Абдусалом ҳали уйланмаган эди. Абдураҳмон ака шу ўғлини бошқаларидан кўра кўпроқ суярди. Хуллас, шу ўғилни уйлаш тараддудида юришган вақтлар эди.

Абдусаломнинг ўзига қолса, бир-икки йилсиз уйланиш нияти йўқ бўлиб, тўй ҳақида гап кетса, аввал бироз ўзимни тиклаб олай, уйланиш бўлса қочмас дерди. Лекин Ҳалима хола тўсатдан оғир бетоб бўлиб қолди. Кўрсатмаган шифокорлари қолмади. Аммо холанинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борарди. Шундай кунларнинг бирида оила аъзолари бир жойга йиғилишди. Амакивачча бўлганлигим, бунинг устига ўртанча ўғил Абдували билан синфдошлигимиз учун ўша куни мен ҳам уларникида эдим.

— Болаларим, — дея гап бошлади Абдураҳмон ака. — Онангизнинг умр шоми яқинлашаётганга ўхшайди. Энди бу ёғи Аллоҳнинг измида. Шифокорлар ҳам умид йўқлигини айтишди... Шукурки барчангиз мен билан онангизни рози қиладиган даражада хизмат қилдингиз. Сизлардан хурсандмиз. Аммо...

— Дада, бу гапларни нима учун гапираяпсиз? — деди катта ўғил Абдукарим. — Худо хоҳласа, онамиз ҳали узоқ яшайди.

— Ўғлим, қизишмасдан, гапимни охиригача эшитинглар, — деди Абдураҳмон ака. — Бу гапларни айтаётганлигимнинг сабаби бор. Мана ҳаммангизлар оилали, уйли-жойли бўлдинглар. Ўзларингга мос ишинглар, касбинглар бор. Фақатгина Абдусаломнинг бошини иккита қилганимиз йўқ. Сизларни йиғиб, бу гапларни айтишдан муддао шуки, биз кеча онанг билан анча вақт гаплашиб ўтириб, шундай тўхтамга келдик. Тўй тараддудини бошлаймиз. Абдусаломни уйлантирамиз. Қизларим, сизлар яхши бир оиланинг қизини топинглар.

— Дада, мен ҳозир уйланмайман, — деди секингина Абдусалом.

— Онам тузалиб, оёққа турсин, кейин бир гап бўлар.

— Ўғлим, онангнинг раъйини қайтарма, — бу сафар отанинг овози қатъийроқ чиқди. — Агар тўйингни кўрмай қолса, армонда кетади. Абдукарим, сен қол, қолганларга жавоб. Тайёргарликни бошланглар.

Ҳамма ташқарига чиқди. Орадан ярим соатлар ўтиб, Абдукарим ака ҳам чиқиб келди. Бу вақтда Абдусалом анча нарига бориб, қўл телефонида ким билан-дир гаплашаётган эди.

— Абдусаломнинг йўқлиги ҳам яхши бўлибди, — деди Абдукарим ака. — Ўзимиз бемалол гаплашиб оламиз. Абдували, мабодо укамизнинг кўнгил қўйган қизи йўқми? Сенинг хабаринг борми? Дадам ҳамманинг олдида сўрасам уялмасин деб менга шуни аниқлашни буюрди.

— Билмасам, ака, — деди Абдували ҳам бироз ўйланиб. — Менга ҳеч нарса демаган. Опам билан синглимдан сўраб кўрайми? Ҳар ҳолда аёллар кўп нарсадан хабардор бўлишади.

— Яхшиси ўзидан сўраймиз, — деди катта ака. — Абдусалом, бу ёққа кел-чи, укам.

— Лаббай, ака.

— Энди, укам, ҳадеб қайсарлик қилавермагин, — деди Абдукарим ака. — Агар кўнглингга ўтиришгани бўлса, бехижолат бизга айт. Опаларингни совчиликка юборамиз. Агар йўқ бўлса, шунга қараб иш қиламиз.

— Йўқ, ака, — деди Абдусалом қатъий оҳангда. — Кўнгил қўйган қизим йўқ. Бу ҳақда онамга ҳам айтганман. Уйланмайман дейишимга сабаб эса, хабарингиз бор, сизларнинг кўмагингизда фирма очганман. Бир бўлиб машина ҳам олиб бердинглар. Энди, ҳеч бўлмаса тўйимга ўзим бироз пул тўплай. Фирманинг ишларини ҳам озгина юргазиб олай дегандим.

— Оббо сен-эй, шу ҳам муаммоми? Агар ҳаммамиз бир бўлсак, отамиз бошчилигида ҳар қандай ишни ҳал қиламиз. Сен бу томондан хижолат бўлма. Муҳими онамизни хурсанд қилайлик. Қани, кўнни ташла. Мен онамнинг олдига кириб суюнчи олиб чиқаман.

Шундай қилиб Абдусаломни уйланишга кўндирдик-да, тўйга тайёргарликни бошлаб юбордик. Тезда келинликка номзод ҳам топилиб, тўй куни белгиланди. Ака-ука, опасингилларнинг тотувлиги шундай пайтда билинар экан. Ҳаш-паш дегунча тўй куни ҳам яқинлашиб қолди. Аксига олиб Ҳалима холанинг аҳволи оғирлашди. Кунига «тез ёрдам» чақиришади. Шифокорлар келиб муолажа қилишгач, хола бироз яхши бўлади-ю кейин яна оғирлашиб қолади. Ҳамма ишни ўғилларига топшириб қўйган Абдураҳмон ака холанинг ёнидан бир қадам ҳам жилмайди.



Тўйга бир ҳафтача қолганда Ҳалима холанинг аҳволи янада оғирлашиб, тилдан қолди. Биз ҳам оиламиз билан ўша ерда эдик. Абдусалом шу куни тўйга кийиладиган костюм-шимини олиши керак экан. Онасининг бетоблигидан шу нарса ҳам кўнглига сиғмади шекилли, бормайман деб туриб олди. Кейин бўлса катталарнинг гапи билан отасидан рухсат сўраб, ўша ерга кетди.

Шу пайт Абдураҳмон аканинг катта қизи ҳовлиққанча чиқиб қолди:

— Дада, ака, Абдусалом қани?

— Бир жойга кетган эди. Нима гап, тинчликми?

Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб кетдик.

— Онам сўраяпти!

— Нима, гапираяптими?

— Ҳа.

Ҳамма уйга югурди. Ҳозиргина ҳеч нарсани билмай, гапиролмай ётган Ҳалима хола кўзларини очиб ётарди. Биз киришимиз билан у киши ҳаммага бир-бир қараб, Абдусаломни сўради.

— Ҳозир келиб қолади, — деди Абдураҳмон ака. — Куёвлик сарпосини олгани кетган эди.

Хола бу гапни эшитиб, маъюсгина жилмайиб қўйди. Шу топда хаёлидан нималар ўтганини ёлғиз парвардигор-у ўзи биларди. Балки, Абдусаломни куёвлик сарпосида кўз олдига келтирган бўлса керак. Биз ҳол-аҳвол сўрашиб, яна ташқарига чиқдик. Орадан яна ярим соатча вақт ўтар-ўтмас айвондаги телефон жиринглаб қолди. Телефонга яқинроқ жойда тургани учун гўшакни кўтарган Абдували ким биландир қисқагина гаплашди-ю ранги оқариб биз томонга югурди. Абдураҳмон аканинг кўнгли бир нохушликни сездими, ўрнидан туриб кетди.

— Дада, — Абдували шоша-пиша шундай деди-да, яна нима дейишни билмай бир муддат жим қолди. — Дада, укам...

— Нима гап? Нима уканг? Гапирсанг-чи тезроқ.

— Укамнинг машинаси авария бўлибди!

— Нима?!.

Ҳамма караҳт бўлиб қолди. Шу пайт ичкари уйдан Абдураҳмон аканинг катта қизи чиқиб келди.

— Дада, онам яна ҳушидан кетди. Алаҳлаб, нуқул Абдусалом билан гаплашаяпти. Қани у?

Ҳовлида турганлар нима дейишни билмай қолишди. Биринчи бўлиб Абдураҳмон ака ўзини қўлга олди.

— Абдукарим, ҳайда машинангни. Қайси касалхонага экан? Абдували, сен шу ерда бўл. Ҳозирча онангга ҳеч нарса деманглар.

Абдураҳмон ака, мен ва Абдукарим йўлга чиқдик. Касалхонага келиб ичкарига кирдик. Жонлантириш бўлимида қора қонига беланган Абдусалом ётар, бир неча шифокор унинг атрофида куймаланишар эди. Табиийки, бизни ичкарига киритишмади. Абдураҳмон ака бетоқатланиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келар, мен эса унга қандай тасалли беришни билмай турган жойимда қотиб қолган эдим. Бир маҳал лоп этиб, воқеа жойига бориш керак-ку деган фикр хаёлимга келиб қолди.

— Амаки, рухсат берсангиз, авария бўлган жойга бориб келаман. Бир йўла нима бўлганини ҳам билиб келардим.

— Майли, борақол. Абдукарим, сен ҳам бирга боргин.

Биз воқеа жойига етиб борганимизда машина атрофини бир тўда одамлар ўраб туришарди. Тўқнашув шундоққина чорраҳада, светофорнинг ёнида содир бўлганди. Абдусаломнинг машинаси юк машинасининг орқасидан келиб урилган экан. Ўша ерда турган йўл-патрул хизмати инспекторидан воқеа қандай содир бўлганини сўрадик.

— Сизлар ким бўласизлар? — деди инспектор.

— Мен шу машинадаги ҳайдовчининг акасиман. Нима бўлди ўзи?

— Гувоҳларнинг айтишича, укангиз светофорнинг қизил чироғида тўхтаб турган мана бу юк машинасининг орқасидан келиб урилган. Кўриб турганингиздек, ҳеч қандай тормоз излари йўқ. Тўхтаб турган машинани, бунинг устига юк машинасини кўрмай қолганига ҳайронман. Менимча, у нимагадир чалғиган бўлса керак.

— Тўқнашув бўлган вақтда мен шу юк машинасининг орқа томонида турган эдим, — суҳбатга қўшилди ўрта ёшлардаги бир киши. — Шу томондан бир танишим келиши керак эди. Шунга йўл четида туриб машиналарга қараётган эдим. Бир вақт мана шу машина катта тезликда келаётганини кўриб қолдим. Чорраҳага яқинлашаётган бўлса, нима учун тезликни камайтирмаяпти деб ўйладим. Кейин ҳайдовчига яхшилаб разм солсам, у қўлидаги телефонда ким биландир гаплашиб келаяпти. Яқин келганда чеҳраси ғоятда ташвишли эканлигини кўриб қолдим. Ҳай-ҳайлаб бақиришимга қарамасдан юк машинасининг орқасидан келиб урилди. Машинани кўрмай қолгани аниқ. Телефон уни чалғитган бўлса керак.

Абдукарим ака менга қаради. Мен у киши нима демоқчи эканлигини тушундим. Демак, боя Ҳалима хола ўзига келиб Абдусаломни сўраганида кимдир унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, онаси уни сўраётганини айтган-у Абдусалом бу хабарни эшитиб, ҳаяжонланганидан газни қаттиқ босиб юборган. Тўрт кундан бери ҳушсиз ётган онасининг тилга кириб уни сўраётганлиги ҳақидаги хабар уни шошириб қўйган бўлса керак. Авария жойида ёзув-чизув ишлари бошланиб кетди. Машъум воқеадан ўзини йўқотиб қўйган Абдукарим ака бир чеккада бошини чангаллаб ўтирарди. Шу вақт унинг ҳам қўл телефони жиринглаб қолди.

— Алло, эшитаман, — у шундай деди-ю бирдан ўрнидан туриб кетди. — Нима?! Қачон? Ё, худойим. Ҳозир етиб бораман.

Абдукарим ака телефонни ўчирди-да, менга ўгирилди. Унинг кўзлари жиққа ёш эди. Мен жойимда қотиб қолдим.

— Ука, онамдан айрилиб қолибмиз-ку! Ҳозиргина жони узилибди.

У киши шундай деб уввос солиб йиғлаб юборди. Мен қўлимдан келганча Абдукарим акани юпатишга уриниб, машинага ўтқаздим-да, рулни зудлик билан касалхонага бурдим. Дарвозага яқинлашганимизда ичкаридан чиқиб келаётган Абдураҳмон акага кўзимиз тушди. У киши кўзлари тўла ёш билан бошини чайқай-чайқай, худди маст одамдай чайқалиб келаётган экан. Бизни кўриб тўхтаб қолди.

— Дада, дадажон, — Абдукарим ака шундай дея машинадан шошилганча тушди-да, отасини қучиб, елкасига бошини қўйди. — Онажонимдан айрилиб қолдик...

— Эй худойим!!! — Абдураҳмон ака шундай дея қалқиб кетди. — Бу не сир, не синоат?! Уканг ҳам ҳозиргина омонатини топширди, болам. Бизни доғда қолдириб кетди...

Ота-бола бир-бирини бағрига босиб юм-юм йиғлашар экан, шу топда уларга тасалли берадиган бирор сўз айтиш амри маҳол эди.

Ҳовлига етиб келдик. Бир зумда хонадон қий-чув бўлиб кетди. Бир ҳафтадан кейин тўй бўлиши керак бўлган хонадондан бир вақтда жигарларини ҳижрон ва айрилиқ ўтида ёқиб, лопиллаганича иккита тобут чиқди. Бу жанозада йиғламаган, тақдирнинг аянчли зарбасидан титрамаган одам қолмади ҳисоб. Майитларни сўнгги манзилларига қўйиб келгач ҳам кўпчилик бу сирнинг тагига етолмасдан лол бўлиб ўтирар эди. Уйда қолган Абдувалининг айтишича, онаси жон таслим қилаётган вақтда аввалига ўзининг отаси билан, бироздан кейин Абдусалом билан гаплашибди. «Дада, айтинг, Абдусалом қайтсин, қайтариб юборинг, дада» деб бир неча марта такрорлабди ва «Абдусалом, болагинам, нега шошилдинг, қўзичоғим?» дея кўзларини астагина юмибди...

Ҳайдовчи йигит шу жойга келганда ҳикоясини тўхтатди. Бир машина одам бу аянчли воқеа таъсирида анча вақтгача жим бўлиб қолдик. Тинчликни ҳайдовчининг ўзи бузди:

— Балки, бу бир тасодифдир. Лекин шу воқеадан кейин рул бошқараётганимда телефонни умуман ўчириб қўядиган бўлдим. Ҳозирги қарорни эшитиб, қувонганимнинг боиси шундан.

— Абдураҳмон аканинг кейинги ҳаёти қандай бўлди?

— У киши ўша воқеалардан озгина ўтиб ётиб қолди. Кексайган чоғидаги бу мусибат отанинг белини букиб қўйди. Эрталаб йўлга чиқишимдан олдин кириб чиқдим. Фарзандлари навбатма-навбат у кишига қараб ўтиришибди. Соғайиб кетсин, илойим.

— Айтганингиз келсин, — тилакка қўшилдик биз ҳам беихтиёр, — бундай кунларни кўриш ҳеч кимга насиб қилмасин.

Бу суҳбат бўлиб ўтганига ҳам анча вақт бўлди. Лекин кўча-кўйда транспортни бошқара туриб, бир қўли билан телефонни қулоғига қўйиб, гаплашиб келаётганларни кўрсам дарҳол ўша суҳбат ёдимга тушади. Кўз ўнгимда ўзим билмаган ва танимаган Абдураҳмон аканинг ажин босган чеҳраси, айрилиқ азобидан ич-ичига тушиб кетган маъюс кўзлари гавдаланади.

**Мансуржон РИХСИЕВ**

# Парчаланган бахт

**«Ўлгунимизча бирга бўламиз, бизни фақат ўлим ажратиши мумкин», — дея улар ҳар гал аҳд қилишарди.**
**Йигит ва қиз мактабда бирга ўқишар, ораларидаги дўстона муносабат бора-бора чуқурлашиб, бир-бирига кўнгил қўйган эдилар. Ўн биринчи синфга кўчганларидан кейин бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бир-бирини бир кун кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолишди.**
**— Охирги нафасинггача ёнингда бўламан, сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, — дея сўз берарди йигит.**
**Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин дейишаркан. Ҳар гал учрашганларида мана шу ваъдани қайта-қайта берадиган йигит бир кун келиб ҳақиқатан ҳам севгилисининг охирги нафаси чиққунча ёнида бўлиши, унинг нафасини ўзи ўчиришини билганида бу сўзларни умуман айтмаган бўлармиди?..**



Ҳазорасп туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Раҳимбой (исмлар ўзгартирилган) йигирма уч ёшга қадам қўйган. Бу ёш ҳар бир йигит учун олдига бирон мақсадни қўйиб, олдинга дадил қадам ташлашда муҳим даврдир. Раҳимбойнинг кўнглида эса ҳаёт тилсимлари эрта очилиб, севиш-севилиш тушунчасини мактаб партасиданоқ англай бошлади. Охири бирга ўқийдиган қизга кўнгил қўйиб, у билан аҳду паймон қилди. Битирув имтиҳонлари тугар-тугамас уларнинг тўйи ҳам бўлиб ўтди.

Бир кам дунё экан. Орадан ойлар, йиллар ўтса-да фарзандли бўлишмади. Бир вақтлари бир-бирини бир зум кўрмаса чидай олмайдиган ёшлар орасига совуқчилик тушган, энди уларнинг кўзларида эҳтирос, талпиниш эмас, балки савол аломатлари зоҳир эди. Бироқ, шунга қарамасдан бир-бирларини бўлар-бўлмасга рашк қилар эдилар.

Она бўлишни орзу қилган Зулайҳо нима қилишини билмас, ҳар куни такрорланадиган бир хил ҳаёт тарзи уни зериктира бошлаганди. Шу боис ҳар гал қишлоқда тўй ёки бошқа йиғинлар бўлса боришга интилар, рашк қилиб уни ҳеч қаёққа юборишни истамайдиган эри билан жанжаллаша бошларди.

Қишлоқда катта тўй бўлаётган ўша куни ҳам у йўқ жойдан жанжал чиқарди. Турли баҳоналарни рўкач қилиб, охири эридан рухсат олди. Жавонидаги энг сара кўйлагини кийиб, узоқ вақт ўзига оро берди-да, кечга яқин уйдан чиқиб кетди.

Хотинининг нима учун бу қадар бетоқат бўлаётганидан, қачон қишлоқда тўй бўлса нима қилиб бўлса ҳам унга бориш учун жанжал чиқаришидан, бугун ҳам ясан-тусан қилиб чиқиб кетганидан ҳайрон бўлган Раҳимбой бунинг тагида бир гап бўлса керак деб Зулайҳонинг орқасидан пойлаб борди.

Унинг кўнгли алдамаганди. Тўйни бироз томоша қилиб турган Зулайҳо секингина четга чиқди-да, қоронғи дала тарафга қараб кета бошлади. Уни узоқдан кузатиб турган эри хавотирга тушди-да, унга кўринмасдан орқасидан юрди.

Дала чеккасида қандайдир йигит турарди. Зулайҳо унинг ёнига бориб гаплаша бошлагач, Раҳимбой тўғри уларнинг ёнига борди. Уни кўрган йигит дала ичкарисига қочиб кўздан ғойиб бўлди. Уни таний олмай қолган Раҳимбой Зулайҳонинг елкасидан ушлаб силкита бошлади.

— Ким билан турган эдинг? Шунинг учун ҳар доим тўйга бораман деб жанжал чиқарар экансан-да? Унинг кимлигини айт. Учратган жойда ўлдираман.

Аммо Зулайҳодан садо чиқмади. Унинг кимлигини ҳам, нима учун келганини ҳам айтмади.

Раҳимбой икки ўт орасида қолган эди. Ажрашай деса хотинини жуда севади, бунинг устига уларни ёмон иш устида ушлагани йўқ. Ажрашмай деса, кўнглида шубҳаси бор. Қолаверса, эркакча гаплашиш, орани очиқ қилиш учун йигитнинг кимлигини билмайди.

Раҳимбой ўйлай-ўйлай ўша йигитни аниқлагунча сабр қилишга қарор қилди. Хотини билан ҳам муносабатни бузмай уни аниқлашнинг имконини қидирди. Аммо барибир юрагидаги муҳаббат нафратга айланганди.

Раҳимбой хотинини қанчалик авраб-алдамасин, барибир ундан тайинли жавоб ололмади. Аёли билан хилватда учрашаётган йигитнинг кимлиги сирлигича қолди. У ўйлаб қўйган сўнгги чорасини қўллашга қарор қилди.

Бир куни кечқурун Зулайҳони бобомизни кўриб келамиз дея уйдан олиб чиқиб қўшни туманга йўл олди. Шу куни улар бобосиникида тўйларининг видеотасмасини кўришди. Бу тўй гўё Раҳимбойнинг тушида содир бўлгандек, ёнига ўтирган хотини ҳам унга бегонадек эди. Шу оқшом улар бобосиникида тунаб, эртаси куни тушда йўлга чиқишди.

Раҳимбой учун кўнглидаги ниятни амалга оширишга фурсат етганди.

— Далага юр, шамоллаб қайтамиз, — деди у хотинига.

Унинг ниятидан хабари йўқ Зулайҳо ҳам индамайгина Раҳимбойнинг кетидан эргашди.

— Хўш, энди айтарсан ўйнашингнинг кимлигини, — деди Раҳимбой хилват жойга борганида бобосиникидан олиб чиққан пичоқни хотинига ўқталиб.

— Ўлсам ўламан, лекин буни айтмайман, — деди Зулайҳо ҳам қўрслик билан унинг пўписасидан ҳайиқмай.

— Бўлмаса, мана сенга, — дея Раҳимбой хотинига мушт туширди.

Бундай зарбани кутмаган Зулайҳо сув тўла ариққа йиқилди.

Жаҳли чиққан Раҳимбой эса ариққа сакраб тушиб хотинига кетма-кет икки марта пичоқ урди.

Сувнинг қонга беланганини кўрган Раҳимбой ҳушига келиб, нима қилиб қўйганини англади. Хотинини даст кўтарди-да, катта йўлга олиб чиқиб, ўтиб кетаётган машинани тўхтатди.

...Зулайҳо шифохонада ҳаётдан кўз юмаётганида Раҳимбой унинг олдида эди.

Жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди Раҳимбойга қилмишига яраша жазо тайинлади.

**Худойберди ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Боғот туман прокурори**
**Мирзабек ЖАПОҚОВ,**
**журналист**

---

# Муштумзўрлар

*Сарлавҳа бежиз бундай қўйилмади. Сабаби, воқеа қаҳрамонлари ножўя иш содир этишган бўлса-да, айбларини ювишга ҳаракат қилишган. Ақллилик билан озор берилган кўнгилга таскин беришга уринишган. Негаки, бундай ҳаракатлар ўзларининг бошига бало бўлишини яхши билишган-да. Аммо доим ҳам қор ёғиб излар босилмас, ёмон ишлар унутилиб кетавермас экан...*



Ўқишдан қайтган Жамшид уйида кўп ўтиролмади. Апил-тапил чой ичган бўлди-да, кўчага отланди.

— Ҳа, тинчликми? Қаёққа шошаяпсан? — ҳайрон бўлиб сўради она.

— Ойи, шундоқ кўчага, жўралар билан...

— Ўзи ҳозир келдинг-ку! Биз билан ҳам бироз ўтир.

— Шу ердаман-ку.

— Сен бола, мени алдама. Жўраларнинг эмас, Нафисанинг олдига шошаяпман де.

— Ойи...

— Ҳа, бўлди-бўлди. Бор. Ишқилиб совға-повға олганмисан келинга?

Онасининг зукколигидан уялган Жамшид жавоб бермай кўчага отилди. Она яқинда тўйи бўлиши керак бўлган ўғлининг ортидан тикилиб қолди.

Икки ёш шаҳар айланиб, соат тўртларда овқатланиш учун қаҳвахонага киришди. Шу ерда ярим соатлар тўй тадориги ҳақида суҳбатлашиб ўтиришди. Кейин Жамшид кимгадир телефон қилиш баҳонасида ҳовлига чиқди. Ҳовлига ҳам жой қилинган экан. У ердаги тўрт столнинг биттаси банд бўлиб, тўрт-беш чоғли йигит пиво ичганча чақ-чақлашиб ўтиришибди. Чеккароқдаги стол ёнига бориб, бўш стулга ўтирган Жамшид қўл телефонида керакли рақамларни териб, энди гаплашмоқчи бўлиб турганида қўшни столдаги йигитлардан бири гап отиб қолди:

— Биз ҳам «сотка»да гаплашайлик.

Жамшид унинг гапини эшитмаганга олди. Бу эса йигитнинг жаҳлини чиқарди.

— Ҳой, гарангмисан? Биз ҳам «сотка»да гаплашайлик.

— Телефон ишламаяпти, — ноилож жавоб берди Жамшид.

— Ишламаса ...га олиб юрибсанми буни?

Улар баланд овозда кулиб юборишди. Бу ҳам етмагандек ликопчадаги шўрданакдан Жамшидга қарата ота бошлашди.

— Бўлди қилинглар...

Жамшид ўзини тутолмай сўкинди. Ўтирганлардан бири Акром буни эшитиб Жамшиднинг олдига келди.

— Нима дединг? Яна бир қайтар.

— Нима дебман?

— Нима деганингни эслатиб қўяйми?

Тортишувга Акромнинг яна икки ўртоғи қўшилгач, муштлашув бошланди. Бақир-чақирни эшитиб, қаҳвахонадан чиққан одамлар уларни ажратиб қўйишга урина бошлашди. Бундан фойдаланган Жамшид таъқибдан қочиб кўчага отилди. Акром билан шериклари унинг орқасидан қувлай бошлашди. Жамшид йўлга чиққач, дуч келган машинага қўл кўтара бошлади. Бахтига ўша заҳоти бир «Жигули» тўхтади-ю машинага ўтиришга улгурмади. Унинг орқасидан етиб келган Акром машинанинг олдига туриб олган эди. Шериклари ҳам етиб келгач, Жамшидни машинадан тушириб, уришда давом этишди. Калтак зарбидан букчайиб, ерга ўтириб қолган Жамшиднинг кўйлаги йиртилиб, ҳаммаёғи қонга бўялди. «Жигули» ҳайдовчиси муштумзўрларнинг қилиғига чидолмай ажратишга тушди.

— Энди телефонингни қизғанмайдиган бўласан, бола...

Акром Жамшиднинг аҳволини кўриб, уришдан тўхтаб «мурувват кўрсатган» бўлди. Жамшид ҳайдовчи кўмагида инқиллаганча ўрнидан турди. Зўравонлар бўлса унинг ортидан қараб қолишди. Орадан бироз ўтиб, Акромнинг кафеда қолган тўртинчи шериги Собир ўзининг машинасида етиб келди.

— Акром, шуни бекор қилдиларинг-да. Бу аҳволда кетиб, биттаяримтага гуллаб қўйса, кўрасан томошани.

— Собирнинг гапида жон бор, Акром. Агар мелисага айтса...

— Собир, бор орқасидан. Айтганингдай бўлса ишлар чатоқ. Биз шу ерда бўламиз, — шерикларининг гапидан Акром ҳам хавотирга тушди.

Собир машинага ўтириб, йўлга тушди. Тезда унга етиб олиб, Жамшидни ўзининг машинасига ўтқазди.

— Оғайни, хафа бўлмайсиз-да энди. Йигитчиликда бўлиб туради-ку. Болаларнинг озроқ кайфи ошиб қолибди.

Жамшид рўмолча билан лат еган жойини босганча миқ этмай кетарди. Собир уни ўзининг уйига олиб бориб, ичкаридан кўйлак олиб чиқди.

— Манавини кийиб олинг.

— Менга кўйлак керак эмас. Ўзимники бўлаверади, — Жамшид тихирлик қила бошлади.

— Ундай деманг. Бир аҳмоқлик қилибди-да. Шуни кийиб олинг. Бўлиб ўтган гаплар ўртада қолсин.

Жамшид ноилож устидаги йиртилган, қон бўлган кўйлагини ечиб, Собир берганни кийиб олди.

— Буни барибир кийиб бўлмайди. Ташлаб кетаверинг.

Собир Жамшиднинг кўйлагини олиб, ўзини машинасига ўтқазиб, уйига ташлаб келди.

Ўғлининг бўлғуси келинлари билан учрашувдан қайтишини кутиб ўтирган ота-она унинг аҳволини кўриб, қўрқиб кетишди. Негаки, учрашувга кийиб кетган оқ кўйлаги ўрнида қора кўйлак, тиниқ юзида кўкарган, шилинган изларнинг пайдо бўлгани бир кор-ҳол бўлганини кўрсатиб турарди.

Эртасига Жамшиднинг соғлиғи ёмонлашиб, касалхонага ётишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай жанжалдан ИИБ ходимлари хабар топишди. Муштумзўрлар устидан жиноят иши қўзғатилди. Суд жараёнида айбланувчилар барча айбларига иқрор бўлиб, пушаймон эканликларини билдиришди. Етказилган зарарни қоплашди.

Воқеа бундан ҳам аянчли тугаши мумкин эди.

Баъзида кўча-кўйда, кафе-барларда ичкилик ичиб олиб, гўё ён-атрофда улардан бошқа ҳеч ким йўқдек дунёни бошига кўтараётган ёш-ялангларни кўриб қоламиз. Биров уларнинг мушугини пишт дейишга журъат этолмайдигандек ўтган-кетганга тегажоқлик қилишади. Шунақа вазиятда келишмовчиликлар келиб чиқиши аниқ. Афсуски, айрим ҳолларда бу жанжаллар фожеа билан тугайди.

**Собир ТЕМИРОВ,**
**Каттақўрғон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси**

## Амнистия давом этади...ми?



Чеченистон бош вазири Рамазон Қодиров Россия ҳукумати томонидан жангариларга нисбатан қабул қилинган амнистия қарорини узайтириш зарурати йўқлигини таъкидлади. «Интерфакс»га берган интервюсида бош вазир хусусан шундай деди: «Тўғри, амнистия қўллаб адашганларни кечириш, уларни тинч ҳаётга қайтариш лозим, бироқ қилмишидан пушаймон бўлмаганлар халқ, ислом дини душманларидир, уларнинг жойи қамоқхоналарда». Ўз навбатида Россия президентининг маслаҳатчиси Асламбек Аслахановнинг таъкидлашича, амнистия қарори муддатининг узайтирилиши янада кўпроқ жангариларнинг тинч ҳаётга қайтишига ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, маслаҳатчининг фикрича, амнистия қарори ўта оғир жиноятларни содир этмаган ва ҳозир чет элда яшовчи собиқ жангариларга ҳам қўлланиши лозим. Россия давлат думасининг хавфсизлик масалалари бўйича қўмитаси раҳбари Владимир Васильев ва унинг ўринбосари Михаил Гришанковлар ҳам айни шу фикрда. Расмий маълумотларга кўра, Шимолий Кавказдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган жангарилар учун 2006 йил сентябрдан 2007 йил январ ойига қадар қўлланган амнистия боис 546 та жангари ҳукумат органларига таслим бўлди.

## ҲАЛОКАТЛИ ТЎҚНАШУВ

Италияда йўловчи ташувчи паром ҳамда юк кемаси ўртасида юз берган тўқнашув оқибатида ҳалок бўлганларнинг янги рўйхати эълон қилинди деб хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги. Маълумотларда айтилишича, Мессино кўрфазида рўй берган ҳалокатда паром командасининг 4 аъзоси ҳалок бўлган. Режио ди Калабрия портига қутқарувчилар етказган, паромда бўлган 150 нафар йўловчилардан 88 таси турли жароҳатлар билан шифохоналарга ётқизилган, улардан 7 таси ҳамон оғир аҳволда. Эслатиб ўтамиз, «Segesta Jet» тезюрар пароми ҳамда Антигуа оролларида рўйхатга олинган «Susan Borchard» юк кемаси ўртасида рўй берган тўқнашув Ўртаер денгизининг Италия ҳамда Сицилия оролларини ажратиб турувчи кўрфазида юз берган. Айни дамда тўқнашув сабаблари ўрганилмоқда.





## Фаолият тугатилади...

Яқин орада Россияда вақтида тузилмаларининг қонунга мувофиқлигини тасдиқлаб беролмаган 15 та сиёсий партия тугатилади. «Российская газета»га берган интервюсида «Росрўйхатгаолиш» ташкилоти раҳбари Сергей Молчанов сиёсий партиялар тўғрисидаги амалдаги федерал қонунчиликка биноан унинг ташкилоти вақтида ўз тизимларининг қонунга мувофиқлигини тасдиқлаб беролмаган уюшмалар устидан уларни тугатиш тўғрисида судга даъво киритишга мажбур эканлигини таъкидлади. Қонунга биноан эса сиёсий партиялар аъзолари камида 50 минг кишидан, вилоятларда эса 45 мингдан оз бўлмаслиги лозим. Молчановнинг гапига қараганда, айни дамгача фақат 17 та сиёсий партия фаолиятининг қонунга мувофиқлигини исботлаб берган, холос. Ўзининг сон жиҳатдан мувофиқлигини ҳамда ҳудудларда ривожланган ваколатхоналари борлигини ҳужжатлар билан исботлай олмаган партиялар бошқа жамоат ташкилотлари билан қўшилиши мумкин. Лекин айрим партияларда қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида умумий йиғилиш ўтказиш учун ҳам етарли маблағ йўқ. Россия марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра, 2006 йил бошига қадар мамлакатда 38 та сиёсий партия рўйхатга олинган.



## Юз тонналик ўлжа

Доғистон божхона хизмати ходимлари Россия ҳудудидан 100 тонна нефт ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олдилар. «РИФ Доғистон» агентлигининг хабар беришича, ушбу маҳсулотнинг қиймати бир миллиард бир юз қирқ саккиз миллион рублни ташкил этади. Мазкур ҳолат юзасидан Доғистон божхонасининг суриштирув бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозир тезкор талбирлар олиб борилмоқда.

## СУВ ОСТИДА ҚОЛГАН КЎЧАЛАР

Латвияда рўй берган тўфон бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Мамлакатнинг айрим шаҳарлари умуман электр таъминотисиз қолган, Дуагава дарёсида сув сатҳи рекорд даражагача кўтарилиб, Рига атрофида айрим жойлар сув остида қолиб кетган.



«Delfi» ахборот агентлигининг хабар беришича, Латвия пойтахти Ригадаги Краста ва Мукусалас кўчалари, Даугавгрива, Луцавсала ва Мангалсала мавзеларини қисман сув босган. Айни дамда Рига аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилмоқда. Сув сатҳининг ошиши билан бир қаторда секундига 35 метр тезликда эсувчи шамол кўплаб дарахтларни, реклама плакатларини қулатиб юборган. Табиий офатдан Латвиянинг Вентспилс, Кулдига ва Айзпуте туманлари кўпроқ зарар кўрган. «Latvenergo» компанияси матбуот котиби Андрис Сикснисннинг таъкидлашича, корхонанинг 50 мингга яқин мижози ҳозир электр таъминотисиз қолган. Латвия бош вазири Айгарс Калвитис тўфон етказган зарар миқдори аниқланаётганини ҳамда тез орада табиий офат оқибатлари бартараф этилишини маълум қилди.

## Солиқни яширган «кўнгилочар»лар



«Интерфакс»нинг хабарига кўра, Грузия молия полицияси ҳамда мамлакат ички ишлар вазирлигининг махсус тезкор департаменти ҳамкорликда 17 та кўнгилочар жойлар, жумладан «Гранд-Бет» тотализатори ва «Сакартвело» казиносида текшириш ўтказди. Текшириш жараёнида бу ерда сохта солиқ декларацияларини ишлаб чиқиш ва жуда кўп миқдордаги солиқни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари фош этилган. Шунингдек, махсус операция давомида «Сакартвело» казиносининг эгаларидан бири ва сохта солиқ ҳужжатлари тайёрланадиган босмахона раҳбари қўлга олинган. Молия полицияси вакилларининг ҳисобкитобига кўра, мазкур жиноий фаолият туфайли давлатга миллионлаб миқдорда зарар етказилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, ўтган йилнинг октябр ойида Россия ички ишлар вазирлигининг иқтисодий хавфсизлик департаменти ходимлари томонидан мамлакатнинг Москва, Санкт-Петербург ва яна бир қатор шаҳарларида ўтказилган текширишлар давомида солиқ қонунчилиги қўпол равишда бузилган ҳолатлар қайд этилган. Бундай кўнгилочар жойларнинг аксарияти Грузия фуқароларига тегишли эканлиги аниқланган. Ҳатто, энг йирик «Кристалл» ҳамда «Golden Palace» каби кўнгилочар марказлар фаолияти ҳам вақтинчалик тўхтатилиб қўйилган.

## Балиқ ови операцияси



«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Узоқ Шарқда браконерликка қарши курашиш операцияси бошланди. Унда чегарачилар, ҳудудий ФХХларнинг ходимлари, милиция ва божхона вакиллари, ҳудудий прокуратуралар ҳамда «Росқишлоқназорат» ташкилоти ходимлари иштирок этадилар. Денгиз браконерларга қарши курашиш операцияси 2007 йил апрел ойининг ўрталаригача давом этади. Бундан кўзланган мақсад денгиздаги биологик заҳираларни қириб ташлашнинг олдини олиш, ноқонуний ов туфайли давлатга етказиладиган зарарларни бартараф этиш, мамлакатнинг табиий заҳиралари доирасида иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдир. Ўтган йили ўтказилган шунга ўхшаш тадбирларда қонунбузилишига йўл қўйган 29 та кема ушланган, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги ҳамда тижорат мақсадида балиқ овлаш қоидасини бузгани учун 110 киши жавобгарликка тортилган. Айбдорларга 8,5 миллион рубл миқдорида жарима солинган. Ўшанда браконерлардан ноқонуний овланган 255 тонна балиқ ҳамда 47 тонна қисқичбақа олиб қўйилган. Таҳлилларга кўра, ўтказилган тадбирлар натижасида давлатга 39 миллион рубл миқдорида зарар етказилишининг олди олинган.

## У оролми ё қоя?

Украина президенти Виктор Ющенко ҳамда Румыния президенти Траян Башеску Қора денгиздаги континентал тизма борасидаги низоли масалага оид БМТнинг Гаагадаги халқаро суди қарорини ҳурмат қилишларини билдиришди. Ушбу қарорга Украина раҳбарининг Руминияга қилган ташрифи чоғида келишилган деб хабар қилади «Pro UA» ахборот агентлиги.



Маълумки, ҳозир Украина ҳамда Руминиянинг Қора денгиздаги континентал тизма ва иқтисодий ҳудудларини белгилаш борасидаги иш БМТнинг Гаагадаги халқаро судида кўриб чиқилмоқда. Румыния ҳукуматининг важига кўра, Украинага қарашли Змеиний орол эмас, балки бир қоядир ва чегара чизиғини белгилашда бу жой инобатга олинмаслиги лозим.

Ющенконинг Руминияга сафари чоғида томонлар Европа иттифоқига аъзо бўлган Руминия эндиликда украиналиклар учун бепул визаларни жорий этиши хусусида келишиб олдилар. Ўз навбатида расмий Киев румынияликлар учун виза тизимини бекор қилади. Украина раҳбарининг гапига кўра, ушбу масалаларга доир қарорлар 3-4 ҳафта ичида ишлаб чиқилади.

## Тинчлик келишувидаги муаммолар



Исроил ҳамда Сурия 2004 йилнинг сентябридан 2006 йил июл ойига қадар Европада ўтказилган иккитомонлама махфий музокараларда тинчлик битимига доир масалаларни белгилаб олган деб хабар қилади «Haaretz» газетаси.

Келишувга кўра, Исроил Ғўлон тепаликларини Сурия тасарруфига бермоғи лозим эди, шундай бўлганда икки давлат ўртасидаги чегара чизиғи ортга сурилиб 1967 йил 4 июлга қадар бўлган ҳолатга қайтиши кўзда тутилган. Ҳозирча ҳудудни қайтариб бериш муддати аниқланмаган, Сурия бу ҳаракатлар 5 йил ичида амалга оширилиши кераклигини таъкидласа, Исроил ҳукумати ушбу муддатни 15 йилга чўзишни таклиф қилаяпти. Кинерет кўли бўйида эса исроилликлар ва сурияликлар ташриф буюриши мумкин бўлган истироҳат боғини барпо этиш режалаштирилганди. Янги истироҳат боғи Ғўлон тепаликларининг аксарият қисмини ўз ичига олиши лозим. Лекин, Иордан дарёси ҳамда Кинерет кўлининг сувини ишлатиш устидан назорат ҳуқуқи Исроилда қолиши белгиланган. Шунингдек, чегараолди ҳудудлар икки томондан ҳам қуролсизлантирилиши керак. Шартноманинг бандларидан бирида Сурия ҳукумати «Ҳизбоbooлоҳ» ва ХАМАС ҳаракатларини қуллаб-қувватлашни тўхтатиши ҳамда Эрон билан алоқаларни бекор қилиши кўрсатилган.

Таъкидлаш керакки, ушбу махфий музокаралар Сурия ҳукумати уларни расмий поғонага олиб чиқишни таклиф эттач тўхтатиб қўйилганди. Сурия ҳукумати расмий музокараларни ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари томонидан АҚШ давлат департаменти вакили иштирокида бошлаш таклифини билдирган. Бироқ, Исроил ҳукумати бу таклифни рад этган.

## Жазо ижро этилди

**Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайннинг яқин сафдошлари, душанба куни тонг саҳарда қатл этилган Барзан Тикритий ва Ҳамад Бандарлар Тикрит шаҳри яқинидаги Аужа қишлоғида собиқ диктаторнинг қабри ёнига дафн этилдилар деб хабар қилади «Associated Press» агентлиги. Шундай қилиб, Саддам Ҳусайн ҳукмронлиги вақтида миллий разведка ва мамлакат олий судини бошқарган марҳумларнинг сўнгги илтимоси бажо келтирилди. 2006 йилнинг 5 ноябрида Саддам Ҳусайн, Барзан Тикритий ва Ҳамад Бандар инсониятга қарши жиноятларда айбдор деб топилиб, ўлим жазосига ҳукм этилгандилар. Улар 1982 йили Саддам Ҳусайнга нисбатан қилинган суиқасд амалга ошмаганидан сўнг Дужайл қишлоғилик 148 нафар шиа мазҳабига мансуб кишиларнинг ўлимида айбдор деб топилган эдилар. Учала қатл ҳам Бағдоднинг Казимия туманида жойлашган собиқ ҳарбий разведка бош қароргоҳида амалга оширилган.**

**«Internet» хабарлари асосида С.ТОХИРОВ тайёрлади**

*Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси бўлим прокурори Ўктамжон Саидовга падари бузруквори

**АБДУЛЛА ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

*Саломатлик бекати*

# ГРИПП ШУНЧАКИ ШАМОЛЛАШ ЭМАС

**Совуқ кунлар бошланиши билан аҳоли ўртасида шамоллаш билан боғлиқ турли касалликлар, жумладан, нафас йўллари шамоллаши кўпая боради. Буни халқ тилида тумов деймиз.**
**Кўпинча эса биз тумов деб жиддий эътибор бермаганимиз оғир вирусли инфекция — грипп бўлиб чиқади. Умуман олганда, тумов ва грипп орасидаги фарқ катта эмас. Аммо уларни бир нарса деб ҳам бўлмайди.**
**Грипп ўзи нима? У қандай касаллик?**



Бу ҳақда бугунги кун кишисига янги гап айтиш қийин. Чунки ҳар биримиз бу касаллик ҳақида ўзимизга яраша маълумотга эгамиз. Шундай бўлса-да, бу касалликнинг келиб чиқиши, унинг олдини олиш ва ундан даво топиш ҳақида яна бир бор эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

Грипп — ўткир вирусли инфекция бўлиб, ёшидан қатъи назар ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Баъзан ўзига ўлимни ҳам ҳамроҳ қилиб келувчи бу эпидемия одатда йилнинг совуқ фаслларида кенг тарқалади ва Ер юзи аҳолисининг 15 фоизи бу касалликни бошдан кечиради. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача умр кўрувчи инсоннинг бир йиллик ҳаёти у билан бирга кечар экан.

Грипп касаллигининг тарихи жуда узоққа бориб тақалади, ҳатто Гиппократ битикларида ҳам келтириб ўтилган («грипп» номи билан юритилмаган бўлса-да). Тарихдан маълумки, бу касаллик эпидемияси бутун дунёни ларзага солган кунлар ҳам бўлган (масалан, «испанка»).

Грипни қўзғовчи вирус Richard Shope томонидан 1931 йилда аниқланган.

Грипп ёки «инфлюэнца» (грипнинг эскирган номи) айнан грипп вируси (Mexovirus influenzae) юқиши билан бошланади. Унинг одамдан одамга юқиши жуда осон, ҳаводаги томчилар орқали, шунингдек, бошқа йўллар билан ҳам юқиши мумкин.

Одатда одам бир йилда кўпи билан икки марта бу касалликка чалиниши мумкин. Бу грипп эпидемияси тарқалиш мавсуми (икки марта) билан боғлиқ бўлиб, биринчи «оқим»да А, иккинчисида В грипи кузатилади (бахтга қарши С грипи ҳам бор). Агар сизда бу вирусга чалиниш ҳолати икки ёки ундан ошиб кетса, бу иммунитет сусайганидан далолат.

Медицина тилида қандай номланишидан қатъи назар (ОРЗ, ОРВИ), нафас йўллари билан боғлиқ касалликлар грипп каби ўзидан оғир асорат қолдириши кам кузатилган.

Грипга чалинган одам ҳолсизланиб, қалтироқ тутади, боши оғриб аъзои бадани қақшайди. Фаолияти пасайиб кетади. Оғир кечган ҳолатларда юрак-қон томир ва асаб тизими, нафас олиш аъзолари шикастланиб, оқибатда пневмония, трахеобронхит, менингоэнцефалит каби касалликларга олиб келиши мумкин.

Касални даволашдан кўра олдини олган маъқул деган гап бор. Бунинг учун грипп эпидемияси кезиб юрган кезларда эҳтиёт шарт. Куз келиши билан грипга қарши вакцина олишга ҳаракат қилинг. Бунга ҳозир имконият бор.

Уйдаги дорихонангизда нималар бўлиши керак?

Дока ниқоб (маска), градусник, иссиқни туширувчи дори, аскорбин кислотаси, аскорутин, поливитаминлар, йўталга қарши дорилар, бурун томизғиси ва албатта исириқ. Уни грипп эпидемияси тарқалган пайтда тез-тез тутатиб туриш фойдалидир. Энг муҳими, битта бўлса-да, вирусга қарши аралашма. Булар: ремантин (бу фақат А грипида наф беради), тамифлю (грипнинг барча кўринишида наф берувчи бу воситани Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия қилган).

Худо кўрсатмасин, сиз гриппга чалиндингиз дейлик. Нима қиласиз? Яқин орадаги поликлиникага чопасиз. Бу нотўғри. Имкони бўлса врачни уйга чақиринг. Муолажани у белгилайди.

Агар сиз грипдан антибиотиклар кўмагида соғаймоқчи бўлсангиз, самара бермайди. Грипп вирусли инфекция, антибиотиклар вирусни ўлдирмайди. Ягона ва энг оқилона чора ётиб даволаниш. Жисмоний ҳолатингиз грипни «оёқда ўтказиш»га имкон бериши мумкин, аммо асорат қолдирмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Қолаверса, бу билан сиз грипп тарқатувчи манба бўлиб қолишингиз мумкин.

Хонани шамоллатиб туринг, лекин елвизакка йўл қўйманг. Тез-тез исириқ тутатиб туринг. Суюқлик кўп истеъмол қилинг. Мева шарбатлари, компотлар, лимонли ёки асалли чой, ёғсиз шўрва ичинг. Бу тананинг токсинлардан тозаланишига ёрдам беради.

Иссиқни туширувчи дорилар (парацетамол туркуми) бош ва мушаклардаги оғриқни кетказади. Кўпчилик аспирин истеъмол қилади. Бу жиддий хато (айниқса ёш болалар учун хавфли).

Тез-тез томоқни фурацилин ёки гиёҳлар қайнатмаси билан ғарғара қилиб туринг. Бурунга томизғи (нафтизин, тизин, називин) томизиб туринг. Лекин эҳтиёт бўлинг, бу муолажалардан кейин сизда сохта соғайиш аломатлари кузатилиши мумкин. Муолажани охирига етказмай одатий фаолиятга қайтишингиз унинг қайталанишига олиб келиши ҳеч гапмас.

Муолажадан мақсад енгил тортиш ва оёққа туриш эмас, танадаги вирусни йўқ қилиш.

Бугунги кун медицинаси айнан грипп вирусига қарши бир қанча бошқа махсус дориларни ҳам тавсия этмоқда. Замонавий медицина тавсия қилаётган грипга қарши воситаларнинг самарадорлиги барибир маълум маънода чекланган. Шу боис бу касалликни бутунлай енгиб кетиш ўзингизга боғлиқ.

Шу ўринда халқ табобати ҳақида ҳам эслаб ўтиш жоиз. Ҳар биримиз бу касалликка қарши ўзбек халқи табобатидан бохабармиз. Шунинг учун унга тўхталиб ўтирмай, хитой табобатидан бир мисол келтирамиз: хонани уксус билан дезинфекция қилиш яхши самара беради. Бунинг учун кичикроқ идишга ярим литрча ошхона уксусини ёки бир чой қошиқда уксус эссенцини солиб оловга қўйинг. Идишдаги уксус қайнагач, оловни пасайтиринг. Уксус йигирма дақиқа парланиши ва хонага тарқалиши керак. Бу ишни эпидемия мавсуми ўтиб кетгунга қадар ҳафтада 3-4 марта такрорлаб туринг.

Таассуфки, илм-фан, хусусан, медицина қанчалик ривожланган бўлмасин, бу касаллик вирусини бутунлай йўқотиш имконияти ҳозирча топилгани йўқ.

Аммо келажакда грипп ҳам чечак ёки бошқа шунга ўхшаш касалликлар каби инсониятни безовта қилмас деб орзу қилиб қоламиз.

Шу ўринда бир янгилик: интернетда англиялик олимлар грипнинг ҳар қандай кўринишининг олдини олувчи вакцина кашф этишгани ҳақида маълумотлар тарқатилган...

**ШАВКАТ** тайёрлади

*Турфа олам, турфа одамлар*

## ПУЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ



«Пул қўлнинг кири» деган гап бор. Албатта бу шунчаки мажозий маънода айтилган. Аммо...

Қўлдаги кир саломатлик учун қанчалик хавфли бўлса, пул ҳам ундан қолишмас экан. Ҳарқалай, россиялик бир гуруҳ олимлар «Гознак» мутахассислари иштирокида муомаладаги рус рублининг Россия аҳолиси саломатлигига қай даражада хавф солиши мумкинлигини ўрганиб чиқиб шундай хулосага келишган.

«NEWSru.com» тарқатган маълумотда айтилишича, олимлар бу тажрибани Москвадаги «Ярославл» вокзалида ўтказишган. Бунинг учун улар муомаладаги эски, уриниб қолган купюралардан намуналар йиғиб махсус текширувдан ўтказишди. Қўлдан-қўлга ўтиб юрган бу пуллар ўзи билан 500 га яқин бактерия ва 3-4 касаллик қўзғатувчи замбуруғларни «ташиб» юрар экан.

Биргина купюра ўзида ўнлаб касаллик уруғини жамлаганда, бир даста пул санаган одам неча хил касаллик хавфига дуч келиши мумкин?

Ачинарлиси, одамлар кўзига чўғдай кўринадиган бу пулларда сил, гепатит (сарғайма), салмонеллез, дизентерия каби хавфли касалликларни қўзғовчи унсурлар ҳам мавжуд экан.

Шунингдек, мутахассислар бу пулларда грипп каби юқумли касалликлар қўзғатувчилари ҳам бўлишини аниқлашган. Маълумки, грипп вируси тоза ҳавода тезда нобуд бўлади, бироқ қоғоз пулларда бир неча ҳафтагача жон сақлаши мумкин экан.

Бундай натижани кутмаган мутахассислар бактерия юқтирмас қоғоздан пул ишланиши керак деган қатъий хулосага келишди. Хабарингиз бўлса, ЕИ валютаси евро бактерияни ўзига юқтирмайди. Аммо, турган гапки, евронинг бундай ҳимоя технологияси сир сақланади.

Рус олимлари яқинда қоғоз таркибига қўшилса беш йилгача бу қоғозни бактериялардан ҳимоя қиладиган антимикроб воситани синовдан ўтказишган эди. Бу тажрибадан кўп нарса умид қилиш мумкин.

Ҳеч кимга сир эмаски, пул қоғозлар тўқсон фоиз целлюлоз материаллардан таркиб топади. Бу эса бактериялар учун унчалик ёмон озуқа эмас.

Юқорида еврони «микроб юқтирмас» қоғоздан тайёрланган деган эдик. Аммо у ҳам бутунлай зарарсиз эмас экан. Испанияда ўтказилган тадқиқот натижасида мамлакатдаги евро банкнотларининг 94 фоизида кокаин юқи топилган.

Тадқиқотда холислик бўлиши учун юз дона банкнот дорихона, супермаркет каби жамоатчилик жойларидан намуна сифатида олинган эди.

Эслатиб ўтамиз, Испания ҳозир энг кўп кокаин истеъмол қилувчилар мамлакати бўлиб қолмоқда. Бу ерда бир грамм кокаинни 60 еврога, бир марталик дозани эса 5 еврога муаммосиз топиш мумкин.

## ЎҒРИНИНГ ВИЖДОНИ



«Ўғри одамда виждон нима қилсин» дейсизми? Эътироз йўқ. Виждони бўлса ўғри бўлармиди? Шундай деймиз-у, лекин ўғридан ўғрининг ҳам фарқи бўлар экан.

Норвегиянинг кичиккина шаҳарчаси мэри номига германиялик бир фуқародан 290 евролик чек қистирилган хат келган. Хатда айтилишича, у бундан 36 йил аввал, яъни, 1970 йили шу шаҳарчадаги дўкондан ҳозир 11 ярим евро турадиган арзимас буюмни ўғирлаган экан.

«Ўтган йиллар ичида бу қилмишимдан виждоним қийналиб келмоқда, ушбу азобдан қутулишимга ёрдам беришингизни ва чекни дўкон эгасига етказишингизни сўрайман», — дейилган хатда.

Турган гапки, жаноб мэр бундай савобли ишдан четда туришни истамади ва унинг илтимосини бажонидил бажаришга киришди. Аммо бу иш осон кечмади. Сабаби, номаълум ўғри дўкон номини унутиб қўйган, фақатгина ўша дўкон катта парк ёнида жойлашгани ва унда сувенирлар сотилганини эслай олган, холос.

Олиб борилган жиддий қидирувлар натижасида ўша дўкон ва унинг эгаси топилган. Дўкондор 78 ёшли Габриел Лунд исмли киши бўлиб аллақачон тижоратдан кетган экан. Собиқ дўкондор «виждонли ўғри»ни кечирган ва олинган 290 еврони маҳаллий қариялар уйига ўтказишини тантанали равишда маълум қилган.

## БИЛЛ ГЕЙТС ВА МУАЛЛИМ




**Россиянинг Перм областидаги чекка қишлоқлардан биридаги ўрта мактаб директори А.П.га нисбатан компютер қароқчилиги айблови билан жиноят иши қўзғатилган.**

**Тергов жараёнида аниқланишича, мактабдаги компютерлар учун жавобгар шахс саналган А.П. мазкур компютерларга лицензиясиз дастурлар ўрнатган ва дарсларда улардан фойдаланиб келган.**

**Агар унинг айби исботланадиган бўлса, уни 5 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазоси кутиб турибди.**

*Ханда*

*Анвар хотинига телефон қилиб, уйига кеч боришини айтди. Орадан бироз вақт ўтиши билан машинасига ўтириб, уйига етиб борибди. Бундан хабар топган оғайнилари:*
*— Хўш, устидан чиқдингми? — деб сўрашибди.*
*— Бўлмасам-чи! Кўпдан бери тахмин қилиб юрганим тасдиғини топди. Менинг йўқлигимда ҳақиқатдан ҳам хотиним шиппагимни кийиб юраркан!..*

* * *

*Эр хотинини туғруқхонадан олиб келиш олдидан тўрт яшар ўғлидан сўрабди:*
*— Тешавой, сенга сингил керакми ё уками?*
*— Э, адажон, бўлар иш бўлди, нима қиласиз мендан сўраб. Энди кеч бўлди.*

* * *

*Эр ўлими олдидан хотинининг қўлини кўксига босиб дебди:*
*— Жоним, мен сенга бевафолик қилдим. Дугонанг билан дон олишганман, мени кечир.*
*— Тинчланинг, азизим, ҳаммасидан хабарим бор. Шунинг учун ҳам сизни заҳарлаганман-да — дебди хотини.*

**Huquq** yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 133-98-82, 133-10-53. E-mail: huquq97@mail.ru Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 053. 20 784 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30 1 2 3 5 6 7 8